



БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

Саккиз юз тўксон тўккизинчи (1494) йил воқеалари

Тангри таолонинг инояти ва коинот сарвари бўлган хазрат Расули акрамнинг шафоати, поккўнгил чахорёрларнинг химмати билан сешанба куни, рамазон ойининг бешинчисида, саккиз юз тўксон тўккизинчи йили Фаргона вилоятига ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим.

Фаргона вилояти бешинчи иклим-дадир. Шарки Кошгар, гарби Самарканд, жануби Бадахшоннинг чегараси — тоғлар, шимолида илгарилар Олмолик, Олмоту ва Янги сингари шаҳарлар бўлган экан, уни китобларда Ўтрор деб ёзадилар, мўгул ва ўзбеклар юришлари туфайли ҳозирги пайтда бузилиб кетган, асло ободонлик асари қолмаган. Кичик вилоятдир, галла ва меваси фаровон. Теварак-атрофи тоғлар билан ўралган. Гарбий тарафида, яъни Самарканд ва Хўжанд томонида тоғ йўқ. Ушбу ёқдан бошқа ҳеч бир томондан қишда душман кела олмас. Сайхун дарёси Хўжанд суви номида машҳур, у шарку шимол тарафдан келиб, вилоятнинг ичи билан ўтиб, гарб сари оқади; Хўжанднинг шимоли ва Фанокатнинг (ҳозир Шохрухия сифатида машҳур) жанубий тарафидан ўтиб, яна шимолга бурилиб, Туркистон сари боради. Туркистондан анча қуйроқда бу даре бутунлай қумга сингиб кетади, биронта дарёга қўшилмайди.

Етти қасабаси (шаҳарчаси) бор: беши Сайхун (Сирдарё) сувининг жануб тарафида, иккитаси шимол томонида. Жанубий тарафидаги шаҳарлардан бири — Андижон, ўртада жойлашган, Фаргона вилоятининг пойтахтидир. Галласи мўл, меваси кўп, қовун ва узуми яхши бўлади. Қовун пишигида қовун бошида қовун сотмоқ раем эмас. Андижоннинг ношвотисидан яхшироқ ношвоти(ноқ) бўлмас.

Мовароуннаҳрда Самарканд ва Кеш (Шахрисабз) кўргонидан кейин бундан каттароқ кўргон йўқ. Уч дарвозаси бор. Арки (подшоҳ саройи) жануб тарафида жойлашган.

Шаҳарга тўккиз тарнов сув қиради. Ажабки, бирор ердан ташқарига чиқмайди.

Қалъанинг теварак-атрофи — хандақ. Унинг ташқариси — тош тўкилган катта кўчадир.

Қалъанинг атроф-айланаси тамоман маҳаллалар билан қуршалган. Бу маҳаллалар билан

калъа оралиги хандак ёкасидаги катта кўчадир.

Ов кушлари хам кўп бўлади. Кирговули беҳад семиз бўлади. Шундай ривоят киладиларки, бир кирговул гўштини тўрт киши еб тугатолмаган.

Эли туркдир(ўзбекдир). Шахар ахолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўк. Элининг тили адабий тилга мувофик. Шунинг учун хам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Хирий (Хирот)да шухрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган.

Элининг орасида санъаткорлари кўп. Мусикада машхур Хожа Юсуф андижонликдир. Хавосининг рутубати бор. Куз пайтлари халк кўп безгакка чалинади.

Яна бири Ўш шаҳарчасидир. Андижоннинг шаркка мойилрок шарки жанубий тарафида. Андижондан тўрт йигочлик йўлдир. Хавоси яхши, оқар суви мўл. Бахори жуда яхши бўлади.

Ўшнинг фазилати хакида кўп овозалар бор. Кўргонининг шарки жанубида бир куркам тоғ қад ростлаган, Барокўх деб номланади. Бу тоғнинг чўккисида Султон Махмудхон бир хужра солган. У хужрадан куйида, ушбу тоғнинг тумшугида тўққиз юз иккинчи йили (1497) мен бир айвонли хужра солдирдим. Гарчи у хужра юксакроқда бўлса-да, бу хужра хам кўп яхши жойда қад кўтарган: бутун шаҳар ва маҳаллалар шундайгина кўриниб туради.

Андижон сойи Ўш маҳаллалари ичидан ўтиб, Андижонга кириб боради. Бу сойнинг иккала томони хам боғлар билан обод. Боғлар шундайгина сойга туташиб кетган.

Бинафшаси беҳад нафис бўлади. Оқар сувлари бор, бахори жуда яхши бўлади. Кўп лола ва чечаклар очилади. Барокўх тоғининг этагида — шаҳар билан тоғ орасида бир масжид қад кўтарган, масжид и Жавзо номли. Тоғ тарафидан бир катта арик оқади. Ушбу мас-жиднинг ташқари сахни нишаброк, себаргалик, серсоя, сафолик майдондир. Хар мусофир ва ўткинчи ўша ерда истирохат қилади. Ўш бебошларининг қалтис хазиллари буки: кимки у ерда ухласа, шу катта ариқдан унга сув сочадилар.

Умаршайх мирзо салтанатининг сўнги пайтлари ушбу тоғдан қизил ва оқ товланадиган тош топилди: пичок дастаси, такбанд ва баъзи нарсалар қиладилар, анча яхши тошдир. Фаргона вилоятида хавоси тозалиқда Ўш сингари шаҳар йўк.

Яна бири Маргинондир. Андижоннинг гарбида. Андижондан етти йигочлик йўлда.

Яхши шаҳарча, неъматларга бой: анори ва ўриги жуда кўп ва яхши. Бир нав анори бўлади: йирикдона, дейдилар, чучуклигидан бироз ўрик ширинлигича таъми бор. Самнон анорларидан юкори кўйса бўлади. Яна бир нав ўрик бўладики, данагини олиб, ичига магиз солиб қуритадилар, буни субхоний дейдилар, кўп лазиздир.

Ов кушлари яхши, оқ қийик шаҳарга якин жойда топилади. Эли сорт(тожик)-дир, мушти югурук ва сержанжал эл. Жангарилик Мовароуннахрда одатдир. Самарқанд ва Бухородаги номдор жангариларнинг аксари маргинонликдирлар.

„Хидоя“ асари муаллифи Маргиноннинг Рушдон номли кентидандир.

Яна бири тоғ этагида жойлашган Исфарадир. Оқар сувлари, сафолик боғ-боғчалари бор. Маргиноннинг гарби-жанубидадир. Маргинон ва Исфара ораси тўққиз йигочлик йўлдир. Мевали дарахтлари кўп, бироқ бв^ларида аксар бодом дарахти экилади.

Халкининг барчаси сорт,форсий сўзлашади. Исфарадан бир шаръий масофада жануб томонида тепалиқлар орасида бир йирик тош бор, уни „Санги ойина“(кўзгу тош) дейдилар. Узунлиги тахминан ўн қари келади, баландлиги баъзи ери одам бўйи, баъзи ери пастлиги киши белигача бў-либ, ойнадек хар нима акс этади.

Исфара вилояти тоғ этагидаги тўрт бўлуқдан иборат: бири Исфара, бири Ворух, яна

бири Сўх, яна бири Хушёр.

Мухаммад Шайбонийхон Султон Махмудхон билан Олачахонга шикает бериб, Тошканд ва Шохрухияни олган пайтда ушбу Сўх билан Хушёр тог этакларига келиб, бир йилга якин муддатни кийинчиликда ўтказиб, Кобулга томон йўлга тушдим.

Яна бири Хўжанддир, Андижондан гарб томонга йигирма беш йигочлик йўлда.

Хўжанддан Самаркандга ҳам йигирма беш йигочлик йўл. Кадимий шаҳарлардан. Шайх Муслихиддин ва Хожа Камол Хўжанддандирлар.

Меваси мўл ва жуда яхши бўлади. Анори машхурдир. Чунки „Самарканд олмаси“ ва „Хўжанд анори“ дейдилар. Бирок бу тарихий санада Маргинон анори янада афзалдир. Кўргони баланд ерда жойлашган. Сайхун суви шимол томонидан оқади. Даре кўргондан бир ўк отими масофададир. Кўргон билан дарёнинг шимол тарафида бир тог тушган, Мевагул номли. Бу тоғда феруза кони ва бошқа маъданли конлар топилади, дейишади. Бу тоғда илон кўп бўлади.

Хўжанднинг хайвон ва куш овладиган жойлари жуда кулай. Ок кийик, бугумарал, кирговул ва ёввойи куён кўп бўлади. Хавоси жуда рутубатли: куз пайтлари безгак кўп таркалади. Шундай ривоят килдиларки, хатто чумчук ҳам безгакка чалинган экан.

Хавосининг нохушлиги шимолдаги тоғ тўфайли эмиш.

Бунга тобе мавзелардан бири Кандибодомдир. Шаҳар деб бўлмайдимию, аммо яхшигина шаҳарчадир. Бодоми яхши бўлади. Бу жихатдан шу исм билан номланган. Хурмуз ва Хиндистонга кўпрок шу ернинг бодоми боради. Хўжанддан беш-олти йигоч шаркий тарафдадир. Хўжанд ва Кандибодом орасида Ходарвеш номли бир дашт бор. Бу даштда хамиша шамол эсади. Бундан шарк томонда бўлган Маргинонга ҳам шу ернинг шамоли боради. Хўжанд бунинг гарбида бўлиб, мудом бу ердан у ерга шамол эсади; каттик шамоллари бор. Дерларки, бир неча дарвеш бу даштда каттик шамолга йўликиб, бир-бирларини тополмай, „Хо, дарвеш!“ „Хо, дарвеш!“ дея-дея халок бўлганлар. Ўшандан бери бу даштни Ходарвеш дейдилар.

Сайхун сувининг шимолий тарафидаги шаҳарлардан бири Ахсидир. Китобларда Ахсикат деб ёзадилар. Чунончи, Асириддин шоирни Асириддини Ахсикатий дейдилар.

Фарғонада Андижондан кейин бундан йирикрок шаҳар йўк.

Ахси Андижондан гарб сари тўккиз йигочлик йўлда. Умаршайх мирзо буни пойтахт килган эди. Сайхун дарёси кўргонининг пасти дан оқади. Кўргони баланд жар устида жойлашган. Хандак ўрнида чукур жарлар бор. Буни пойтахт килган Умаршайх мирзо бир-икки маротаба ташкарирокдан яна жарлар каздирди. Фарғонада бунчалик мустаҳкам кўргон йўк. Махаллалари кўргондан бир шаръий йироқроқда жойлашган.

„Кишлоқ каердаю, дарахтлар каерда?“ мақолини афтидан Ахси учун айтганлар.

Ковуни яхши бўлади. Бир нав ковунини „миртемурий“ дейдилар, бундай ковунининг бошқа жойда ҳам борлиги маълум эмас. Бухоро ковуни машхурдир. Самаркандни олган пайтимда Ахсидан, Бухородан ковун келтириб, бир ўтиришда сўйдирдим. Ахси ковунининг ҳеч мисли йўк эди.

Овланадиган кушлари беҳад яхши бўлади. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи даштдан иборат. Ок кийиги кўп бўлади. Андижон тарафи тўкай; бугу-марал, кир-говул ва ёввойи куён кўп. Аксари жуда семиз бўлади.

Яна бири Косон. Ахсининг шимолида жойлашган кичикрок шаҳарчадир. Андижонга сув Ўшдан келганидек, Ахсига сув Косондан келади. Хавоси яхши. Сафоли бог-богчалари бор. Бирок сафоли бог-чалари бутунлай сой ёқасида бўлгани учун уни олди барра терили пўстинга ўхшатадилар. Хушхаволикда Ўш билан Косоннинг ўхшашлиги бор.

Фаргона вилоятининг атроф-теварагидаги тоғларда яхши яйловлар бор. Тобулгу шу тоғларда бўлади, бошқа ҳеч ерда бўлмайди. Тобулгу шундай бир бутасимон дарахтдирки, пусти кизил, ундан хасса, камчи дастаси, кушларга кафас қиладилар; йўниб камон ўқи ясайдилар, анча яхши дарахтдир. Табаррук билиб йирик юртларга олиб борадилар.

Баъзи китобларда „ябрух ус-санам“ шу тоғлардадир, деб ёзганлар. Бирок бу муддатгача ҳеч кўрмадик. Бир гиёҳни Еттикент тоғларида бўлади, дейишади, номи „айикўти“ эмиш; меҳригиёҳ хоси-ятли, афтидан ўша меҳригиёҳдир, у эл бу ном билан айтади.

Бу тоғларда феруза ва темир конлари бўлади. Фаргона вилоятининг хосили билан, агар адолат қилсалар, уч-тўрт минг кишилик лашкар сакласа бўлади.

Умаршайх мирзо олийҳиммат ва улуг орзули подшоҳ бўлгани учун хамиша унда бошқа мамлакатларни эгаллаш истаги бор эди; бир неча маротаба Самарканд устига лашкар тортди: баъзи маҳал шикаст топди, баъзи маҳал умиди амалга ошмай қайтди. Бир неча маротаба кайнотаси Юнусхонни(Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхон наслидан. Чигатойхон юртида мўғул халқининг хони у пайтларда ўша эди. У менинг катта отам бўлади) илтимос қилиб келтирди. Хар гал чорлаганда вилоятлар берарди. Умаршайх мирзо кўнглидагидек бўлмагани учун гоҳо Умаршайх мирзонинг ёмон муносабатидан, гоҳо мўғул халқининг муҳолифатидан вилоятда тура олмай, яна Мўғулистонга қайтиб кетар эди.

Охирги дафъа чакирган пайтида Тошкент вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эди (китобларда Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар; „камони чочий“ (Тошкент камони) ибораси шу туфайлидир, унга берди. Ўша фурсатдан тўққиз юз саккизинчи(1502) йилгача Тошкент ва Шохрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида бўлди. Бу фурсатда мўғул улусининг хон ва султонлиги Юнусхоннинг катта ўғли — менинг тоғам Султон Махмудхонда эди. Умаршайх мирзонинг оғаси Самарканд подшоҳи Султон Ахмад мирзо ва мўғул улусининг хони Султон Махмудхон Умаршайх мирзонинг ёмон муомаласидан безор бўлганликларидан бир-бирлари билан иттифок тузиб, Султон Ахмад мирзо Султон Махмудхонни узига қуёв қилиб, ўша йили Сайхуннинг жануб томонидан Султон Ахмад мирзо ва шимол тарафидан Султон Махмудхон Умаршайх мирзо устига лашкар тортдилар. Бу аснода галати воқеа юз берди. Зикр этилганидек, Аҳси кўргони баланд жар устида жойлашган, иморатлари ҳам жар ёқасида эди. Ушбу йили душанба куни, рамазон ойининг тўртинчисида Умаршайх мирзо жардан кабутарлар ва кабутархонаси билан учиб, халок бўлди. Ўттиз тўққиз ёшда эди.

Таваллуди ва насл-насаби. Саккиз юз олтмишинчи (1455) йили Самаркандда тугилди. Султон Абусаид мирзонинг тўртинчи ўғли эди. Султон Ахмад мирзо, Султон Мухаммад мирзо, Султон Махмуд мирзодан кичик эди. Султон Абусаид мирзо Султон Мухаммад мирзонинг ўғли эди. Султон Мухаммад мирзо Мироншоҳ мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ мирзо Темурбекнинг учинчи ўғли эди. Умаршайх мирзо билан Жаҳонгир мирзодан кичик, Шохрух мирзодан катта эди.

Умаршайх мирзога бериб, Бобои Кобулийни бекота қилиб, жўнашга рухсат берганди. Мирзоларнинг суннат тўйи сабабли Дараи Газдан қайтариб, Самаркандга келтиртирди. Тўйдан сўнг, Темурбек катта Умаршайх мирзога Фаргона вилоятини берганидек, Султон Абусаид мирзо ҳам ўғли Умаршайх мирзога Андижон вилоятини бериб, Худойберди Тугчи Темуртошни бекота қилиб юборди.

Шакл-шамойили: паст бўйли, юмалок соколли, саргиш юз ли норгил киши эди. Тўнни роса тор кияр эди. Шунчаликки, белбог боғлаганда корнини ичига тортиб боғлатар, боғлагандан сўнг ўзини кўйиб юборса кўпинча боғлари узилиб кетарди. Киймок ва емоқда бетакаллуф эди. Саллани дасторпеч (махсус салла ўрайдиган киши) ўраб кўярди. У замонда саллалар бутун тўртўрама бўларди. Текис чирмаб, учини осилтириб кўярдилар. Ёз пайтлари махкамадан бошка ерларда аксар мўгулча бўрк киярди.

Феъл-атвори: ханафий мазхабида, покиза эътикодли киши эди. Беш вақт намозни тарк қилмасди. Умрий намоз қазоларини бутунлай тамомлаган эди. Аксар тиловат қилар эди. Хазрат Хожа Убайдуллоҳга мурид эди. Сухбатларига кўп мушарраф бўлган, Хожа ҳам уни фарзанд дер эдилар.

Яхши саводи бор эди. „Хамсатайн“ (Низомий Ганжавий ва Амир Хисрав Дехлавий „Хамса“лари), дostonлар ва тарихларни ўқир эди. Кўпинча „Шохнома“ ўқир эди. Шеърлий истеъдоди бор, бироқ шеър ёзишга кунт қилмасди.

Адолати шу даражада эдики, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг пастида Хитойдан келаётган минг қорамоллик қарвонни шундай қор босдики, икки киши қутулиб қолди, холос. Хабар топиб, одамларини юбориб қарвоннинг ҳамма нарсаларини йигдирди. Ўша пайтда ворислари бўлмаганидан, эҳтиёт юзасидан саклаб, бир-икки йилдан сўнг Самарқанд ва Хуросондан ворисларини суриштириб, топтириб келтириб, молларни эсон-омон топширди.

Гоят саховатли эди. Хулқи ҳам саховатича бор эди. Хушхулқ, хазилқаш, гапга чечан ва ширинсўз киши эди. Шижоатли ва мардона киши эди.

Икки маротаба жангда ўзи барча йигитларидан ўзиб қилич қопти ва бир маротаба Аҳси дарвозасида, яна бир маротаба Шохрухия дарвозасида. Ўқни ўртача чоғлик отар эди.

Мушти жуда қаттиқ эди, унинг мушtidан йиқилмаган йигит йўқдир. Юрт олиш дағдағаси туфайли анча ярашлар урушга ва дўстликлар душманликка айланарди.

Авваллари кўп ичарди, кейинчалик ҳафтада бир ёки икки марта ичадиган бўлди; хушсухбат киши эди. Бирор баҳона билан хўб шеърлар ўқирди. Кейинги пайтлари кўпроқ маъжун истеъмол қиларди. Маъжунликда қалтис ҳаракатларга йўл қўяр, хазил-шўхликка ўч, хамиша нарди ўйнар, гоҳо қимор ҳам ўйнарди.

Жанг ва урушлари. Уч маротаба саф тортиб уруш қилган. Аввал Юнусхон билан Андижоннинг шимол тарафи — Сайхун дарёсининг ёқасидаги Такасекретку деган ерда. Бундай номланишининг боиси шуки, тоғ этаги бўлганидан бу ерда дарё шундай тор жойдан оқадики, ривоят қилишларича, у ердан така сакраб ўтган экан. Мағлуб бўлиб, қўлга тушди. Юнусхон яхшилик қилиб вилоятига руҳсат берди. Бу ерда уруш бўлгани учун „Така-секретку уруши“ ул вилоят тарихида қолгандир.

Яна Самарқанд туманларини талон-тороғ этиб келаётган ўзбеклар билан Туркистонда музлаган Арис сувини кечиб жанг қилиб, галаба қозонди; асирларни озод қилиб, молнинг ҳаммасини эгаларига қайтариб олиб, ҳеч нима тамаъ қилмади.

Яна бир марта Султон Аҳмад мирзо билан Шохрухия ва Ўратепа орасида, Хавос деган қентда урушиб енгилди.

Вилоятлари. Отаси Фарғона вилоятини берган эди. Бир неча маротаба Тошкент ва Сайрам ҳам мирзонинг тасарруфида бўлди. Бу шаҳарларни унга ақаси Султон Аҳмад мирзо берган эди. Шохрухияни қириб билан олиб, анча вақт фойдаланиб турди. Охириги

чоғларда Тошкент ва Шохрухияни кўлдан чиқарган эди. Фаргона, Хўжанд ва Ўратепагина колди. Ўратепанинг асл номини китобларда Усрушнадир, Усруш деб ҳам ёзадилар. Хўжандни баъзилар Фаргонага кирмайди, дейди.

Султон Ахмад мирзо Тошкентга мўгуллар устига лашкар тортиб, Тошкентдан икки шаръий йўл наридаги Чир (Чирчик) сувининг ёқасида шикаст топди; Ўратепа Хофизбек дўлдой кўлида эди, Умаршайх мирзога берди. Ўшандан кейин Ўратепа Умаршайх мирзо тасарруфида бўлди.

Авлоди: мирзодан уч ўғил, беш киз колди. Бари ўғлонларидан каттаси мен— Захириддин Мухаммад Бобурман. Менинг онам — Кутлуг Нигорхоним. Яна бир ўғли Жахонгир мирзо мендан икки ёш кичик эди. Унинг онаси Фотима Султон мўгулнинг туман бекларидан бирининг кизи эди. Яна бир ўғли Носир мирзо бўлиб, унинг онаси андижонлик Умид исмли гунчачи эди; у мендан тўрт ёш кичик эди.

Кизларидан каттаси Хонзодабегим мен билан бир онадан тугилганди, у мендан беш ёш катта эди. Мен Самаркандни иккинчи марта олганимда Шайбонийхондек киши билан Сарипулда чикиб урушдим, имкон борича гайрат ва шижоатда хато килмадик (хали ўз вақтида бу ҳақда ёзилур), бироқ енгилиб, беш ой калъадорлик килдим. Калъани саклаш, уни мустахамлаш ва сардорликда камчиликка йўл кўймадик.

Теварак-атрофдаги подшоҳу беклар ҳеч қандай мадад-кўмак бермадилар, рухим тушиб, шаҳарни ташлаб чиқдим.

Ўша тахликали тўполонда Хонзодабегим Мухаммад Шайбонийхон кўлига тушганди. Бир ўғил курган эди. Исми Хуррамшоҳ, яхши ўғлон эди. Шайбонийхон унга Балх вилоятини берган эди. Отаси ўлгандан кейин бир-икки йил ўтгач, вафот этди. Шох Исмоил ўзбек (шайбонийлар)ни Марвда мағлуб этганда Хонзодабегим Марвда эди. Менинг хурматим туфайли, у ердан узатдилар, Кундузда менга келиб кўшилди. Жудолик муддатига ўн йил бўлган эди. Мен ва Мухаммадий кўкалдош икковимиз келдик, бегим ва бегимнинг ёнидагилар танимадилар. Исминини айтганимда ҳам анча муддатдан сўнг танидилар. Яна бир кизи Мехрбонубегим эди. Носир мирзо билан бир онадан тугилган, мендан икки ёш катта эди.

Яна бир кизи Шахрбонубегим эди. У ҳам Носир мирзо билан бир тугишган бўлиб, мендан саккиз ёш кичик эди.

Яна бир кизи Ёдгор Султонбегим эди, унинг онаси Ога Султон исмли гунчачи эди.

Яна бир кизи Рукия Султонбегимнинг онаси Махдум Султонбегим эди, уни Қорақўзбегим дердилар. Бу иккови мирзонинг вафотидан сўнг тугилдилар. Ёдгор Султонбегимни менинг улуг онам Эсон Давлатбегим асраган эди. Шайбонийхон Андижон ва Ахсини олганда Ёдгор Султонбегим Хамза Султоннинг Абдуллатиф Султон исмли ўғлига тушган эди. Мен Хамза Султон бошлик султонларни Хатлон вилоятида босиб, Хисорни олганимда менга кўшилди. Ўша талотўп пайтида Рукия Султонбегим Жонибек Султонга тушганди, бир-икки ўғилли бўлди, бироқ болалари турмади. Яқинда хабар келдики, тангри раҳматига борибди.

Хотинлари ва канизлари: Кутлуг Нигорхоним, Юнусхоннинг иккинчи кизи, Султон Махмудхон ва Султон Ахмадхоннинг эгачиси эди.

Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чигатой наслидандир. Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали ўғлон ибн Мухам-мадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туглук Темурхон ибн Эсан Бугахон ибн Дўвахон ибн Барокхон ибн Йесун Тува ибн Мўтугон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон.

Шунчалик тўхталдик, энди хонларнинг ахволини ҳам кискача зикр этайлик. Юнусхон ва Эсан Бўгахон Вайсхоннинг ўғлонлари эди. Юнусхоннинг ўғлонлари Офокхон ва Жонбобохон эди. Юнусхоннинг онаси Темурбек (Амир Темур) кадрлаган туркистонлик кипчок бекларидан Шайх Нуриддинбекнинг кизи ё невараси бўлади.

Вайсхоннинг ўлиmidан сўнг мўгул улуси иккига бўлинади. Бир бўлаги Юнусхон томон ва кўпроги Эсан Бўгахон томон бўлади. Улугбек мирзо бурунрок Юнусхоннинг эгачисини Абдулазиз мирзога олиб берган эди. Шу муносабат билан Борин туман бекларидан Эрзан, Чарос туман бекларидан Мирак туркман Юнус-хонни уч-тўрт минг уйли мўгул улуси билан Улугбек мирзога келтирдилар. Мақсадлари кўмак олиб, яна мўгул улусини эгаллаш эди; мирзо мурувват килмади, баъзисини асир килди: баъзиларини бирин-сирин вилоятларга таркатди. Эрзан таназзули мўгул улусида бир тарих бўлиб колган.

Юнусхонни Ирок сари ўтказиб юбордилар. Бориб бир йилдан ортиқрок Табризда турди. У махалда Табриз подшохи Жахоншоҳ Вороний коракўйлук эди. У ердан Шерозга келди. Шерозда Шохрух мирзонинг иккинчи ўгли Иброхим Султон мирзо эди. Беш-олти ойдан сўнг Иброхим мирзо ўлиб, ўгли Абдуллох унинг ўрнига ўтирди. Абдуллох мирзога хон навкар эди, мулозамат килар эди. Ўн етти-ўн саккиз йил хон Шероз ва бошқа вилоятларда турди.

Улугбек мирзо ва ўгилларининг гавгоси пайтида Эсан Бўгахон фурсатдан фойдаланиб Фаргона вилоятини Кандибодомгача босиб, Андижонни олиб, элини батамом асир килди.

Султон Абусаид мирзо тахтни кўлга киритгач, лашкар тортиб бориб Янги шахридан наридаги Исфарада, Мўгулистонда Эсан Бўгахонни тор-мор килди. Унинг фитнасини даф этиш учун Абусаид мирзо илгари Абдулазиз мирзо олган эгачиси хонимни олиб, Юнусхонни шу муносабат билан Ирок ва Хуросондан чорлаб, тўйлар килиб, дуст бўлиб, мўгул улусига хон килиб юборди. Сағрийчи туман бекларининг барчаси бу пайтда Эсон Бўгахонни ёмонлаб, Мўгулистонга келгандилар. Юнусхон уларга кўшилди. Бу пайтда сағрийчи бекларнинг улуги Шер Хожибек эди. Юнусхон унинг кизи Эсон Давлатбегимга уйланди. Мўгул урф-одатига кўра, Юнусхонни ва Эсон Давлатбегимни бир ок кигиз устига ўтиргизиб, уни хон килиб кўтардилар.

Хон Эсон Давлатбегимдан уч киз кўрди. Хаммасидан каттаси Мехр Нигорхоним эдики, уни Султон Абусаид мирзо катта ўгли Султон Ахмад мирзога олиб берган эди. Мирзодан бирорта ўгил ёки киз бўлмади. Самаркандни ўзбаклар олганда Мехр Нигорхоним Шайбонийхон кўлига тушди. Мен Кобулдалигимда Шохбегим билан Самарканддан Хуросонга, Хуросондан Кобулга келди. Шайбонийхон Кандахорда Носир мирзони камал килганда, мен Ламгонга йўл олдим. Хон мирзо ва Шохбегим хамда Мехр Нигорхон Бадахшонга кетдилар. Мирзохонни Муборакшоҳ Зафар калъасига чорлаганда Абобакр Кошгарийнинг хужумига йўликиб, Шохбегим ва Мехр Нигорхоним хамда жами элнинг ахли ва аёли асирликка тушиб, у золим бадкирдор камогида хаётдан кўз юмдилар. Иккинчи кизи менинг волидам Кутлуг Нигорхоним эди. Аксар харбий сафарлар ва саргардонликларда мен билан бирга эди. Кобулни олганимдан сўнг беш-олти ой ўтиб, тўккиз юзу ўн биринчи (1505) йили тангри рахматига борди.

Учинчи кизи Хўб Нигорхоним эди, Мухаммад Хусайн кўрагон дуглатга берган эдилар; бир кизи, бир ўгли бор эди. Кизини Убайдхон олган эди. Мен Бухоро ва Самаркандни олганимда шаҳардан чикмай колган эди. Амакиси Саййид Мухаммад мирзо Самаркандга Султон Саидхондан элчиликка келганда, унга кўшилиб кетди. Султон Саидхон унга уйланди. Ўгли Хайдар мирзо эди. Отасини ўзбаклар ўлдиргандан сўнг келиб, менинг хизматимда уч-тўрт йил туриб, сўнгра ижозат сўраб, Кошгарга, хон қошига кетди.

Воз гардад ба асли худ хама чиз,
Зари софию нукрау арзиз.
(Таржимаси:
Хаммаси аслига кайтар мукаррар,
Хох кўргошин, хох кумуш, хох тоза зар.)

Дейдиларки, хозирги пайтда ичишни ташлаб, яхши йўлга кирибди. Хат ва расм, ўк ва пайкон ҳамда зехирга (камондан ўк узишда бармоқка кийиладиган ўймоксимон нарса) — хар нарсага кўли келади. Шеърый истеъдоди ҳам бордир. Менга мактуби келган эди, услуби ҳам ёмон эмас.

Хоннинг яна бир хотини Шохбегим эди, бошка хотинлари ҳам бор эди, бироқ ўгил ва кизларининг оналари шу иккиси эди.

Шохбегим Бадахшон шохи Шох Султон Мухаммаднинг кизи эди. Бадахшон шохлари ўз насабларини Искандари Файлакусга (македониялик Александр) боғлашади, дейдилар. Бу шохнинг яна бир кизини, Шохбегимнинг эгачисини Султон Абусаид мирзо олган эди. Ундан Абобакр мирзо бино бўлган эди.

Хоннинг Шохбегимдан икки ўгил ва икки кизи бор эди. Бу ўгиллардан каттаси ва кизлардан кичик Султон Махмудхон эди. Самарканд ва ўз туманларида баъзилар уни Хоникахон дейдилар. Султон Махмудхондан кичиги Султон Ахмадхон бўлиб, Олачахон исми билан машхур. Олачахон деб аталишининг сабаби шундаки, айтишларича, калмоқ ва мўгул тилида котилни „олачи“, дейдилар. Калмоқларни бир неча марта босиб, кўплаб одамларини киргани учун „Олачи“ дейилавериб, истеъмолда Олача аталиб кетган. Хали тегишли ўринларда хонларнинг зикри такроран муфассал келтирилади. Воқеалар ва холатлари ўшанда е'зилади.

Бошқаларидан кичик, бир киздан каттаси Султон Нигорхоним эдики, уни Султон Махмуд мирзога чикаришган эдил ар. Мирзодан бир ўгил тугилганди. Исми Султон Вайс, бу ҳақда хали яна сўз юритилади. Султон Махмуд мирзо ўлгандан сўнг Султон Нигорхоним ўглини олиб, ҳеч кимга хабар килмай, Тошкандга огалари олдига борган эди. Бир неча йилдан сўнг уни Чингизхоннинг катта ўгли Жўжи наслидан бўлган козок султонларидан Адик Султонга бердилар. Шайбонийхон хонларни енгиб, Тошканд ва Шохрухияни эгаллаганда Султон Нигорхоним ўн икки мўгул навқари билан қочиб, Адик Султон ёнига борди. Адик Султондан икки кизли бўлди, улардан бирини Шайбонийхоннинг султонларига, яна бирини Султон Саидхоннинг ўгли Рашид Сул тонга берди.

Адик Султондан сўнг Султон Нигорхонимни козок улусининг хони Косимхон олди.

Дейдиларки, козок хон ва султонларининг орасида ҳеч ким бу улусни Косимхончалик

забт килган эмас. Лашкари уч юз мингга якин хисобланарди. Косимхон ўлгандан сўнг хоним Кошгарга Султон Саидхон Кошига борди.

Энг кичиги Давлат Султонхоним эди. Тошкандни шайбонийлар эгаллаганда

Шайбонийхоннинг ўгли Темур Султонга тушган эди, ундан бир кизи бор эди.

Самарканддан мен билан бирга чиккан эди. Уч-тўрт йил Бадахшон вилоятида бўлди.

Ундан сўнг Кошгарга Султон Саидхон кошига кетди.

Умаршайх мирзонинг харамларидан яна бири Хожа Хусайнбекнинг кизи Улус ога эди, унинг хам бир кизи бор эди, гўдаклигида ўлди. Бир йил-бир ярим йилдан сўнг уни харамдан чикардилар.

Яна бири Фотима Султон ога бўлиб, мўгул туман беклари авлодидан эди. Мирзо хаммасидан аввал шу Фотима Султон огани олган эди.

Яна бири Коракўзбегим бўлиб, унга кейинчалик уйланган, анча суюкли эди.

Коракўзбегим мирзога ёкиш учун ўз насл-насабини Султон Абусаид мирзонинг огаси Минучехр мирзога етказган эди.

Чўри ва канизлари анча эди. Уларнинг бири Умид огача эди, у мирзодан олдин казо килганди. Мирзонинг сўнгги махаллардаги канизи Тун Султон бўлиб, у мўгуллардан эди. Яна бири Ога Султон эди.

Амирлари: Худойберди Темуртош. У Хирот хокими Окбугабекнинг огаси наслидандир. Султон Абусаид мирзо Жўги мирзони Шохрухияда камал килганда Фаргона вилоятини Умаршайх мирзога бериб, эшикогаликка Худойберди Темуртошни тайинлаган эди. У пайтда Худойберди Темуртош йигирма беш ёшда, ёш бўлса-да, тартиби, бошқарув ва иш тутишлари жуда яхши эди. Бир-икки йилдан сўнг Иброхим Бекчик Ўш атрофларига хужум килганида Худойберди Темуртош урушда иштирок этиб, шахид бўлди. Ўша пайтда Султон Ахмад мирзо Ўра-тепаннинг Оккапчигай деган, Самарканддан ўн саккиз йигоч шарк томондаги яйловда, Султон Абусаид мирзо эса Хиротдан ўн икки йигоч шарк томондаги Бобо Хокийда эдилар. Бу хабарни Абдулваххоб шиговул оркали хат килиб, мирзога етказдилар; у юз йигирма олти йигоч йўлни тўрт кунда босиб ўтди. Яна бир амири Хофиз Мухаммадбек дўлдой бўлиб, Султон Малик Кошгарийнинг ўгли, Ахмад Хожибекнинг иниси эди. Худойбердибек ўлганидан сўнг уни эшикога килиб юборган эдилар. Султон Абусаид мирзонинг ўлиmidан сўнг Андижон беклари у билан яхши чиқишмаганлари сабабли Самаркандга Султон Ахмад мирзо хизматига кетди. Султон Ахмад мирзо Чир дарёси бўйида енгилганда, у Ўратепада эди. Умаршайх мирзо Самаркандга юриш килиб, Ўратепа устига келганда Ўратепани мирзо мулозимларига топшириб, ўзи мирзо хизматида бўлди. Умаршайх мирзо хам Андижон хокимлигини унга берди. Сўнгра Султон Махмудхон кошига борди. Султон Махмудхон Мирзохонни унга топшириб, Дизак(Жиззах)ни берди. Мен Кобулни олганимдан бурунрок у Маккага отланиб, Хинд йўли оркали сафар килди. Йўлда Тангри рахматига борибди. Факир, камгап ва одми киши эди.

Яна бири Хожа Хусайнбек, од ми ва факир киши эди. Ўша пайт расмига кўра, базмларда кўшикларни яхши айтар экан.

Яна бири Шайх Мазидбек бўлиб, менга аввал уни бекота килган эдилар. Гайратли, интизоми анча яхши эди. Бобур мирзога хизмат килган. Умаршайх мирзо кошида ундан улугрок бек йўк эди. Ахлоксиз киши эди, бачча сакларди.

Яна бири Али Мазидбек кавчин эди, икки марта ёв тарафга ўтиб кетди: бир марта

Ахсида ва яна бир марта Тош-кандда. Мунофик, ахлоксиз, кўрнамак ва ярамас киши эди. Яна бир амири Хасан Яъкуббек эди. Болатабиат, истеъдодли, чечан ва самимий киши эди. Бу байт уникидир:

Боз ой, эй хумой, к и бетўтии хатат,
Наз дик шуд ни, зог барад устухони май.

(Мазмуни:

Кайтиб келгил, эй Хумой, тўтиранг патларингсиз,
Сал бўлмаса суягимни карга олиб кетгуси.)

Мардона киши эди. Ўкни яхши отар, чавгонни яхши ўйнарди. Тупрокпаллани яхши сачратар эди. Умаршайх мирзо фожиасидан сўнг у менинг эшигимда эшикога бўлди. Ичи тор, камхафсала, фитнарок киши эди.

Яна бири Косимбек кавчин эди. Андижоннинг кадимий кўшин бекларидан эди. Хасан Яъкуббекдан сўнг менинг эшигимда у эшикога эди. Умрининг охиригача ихтиёр ва эътибори ортса ортди, камаймади. Мардона киши эди. Бир марта Косонга бостириб кирган ўзбакнинг орка-сидан яхши хужум килди. Умаршайх мирзо ёнида килич чопиб, ўзини кўрсатган эди. Ясси Кечит урушида ҳам яхши жанг килди. Чекка юртлардаги саргардонликларимизда Масчо тоғларидан Султон Махмудхон томонга отланганимда Косимбек айрилиб, Хисравшоҳ томонга ўтиб кетди. Тўккиз юз ўнинчи(1504) йили Хисравшоҳни енгиб, Кобулда Муқимни камал килдим. Шу пайтда Косимбек етиб келди. Яна аввалгидек эътибор ва шафкат килдим. Туркман хазорасига Дараи Хушда хужум килганимизда, Косимбек кексалигига карамай, йигитлардан кўра яхшироқ урушгани учун Бангиш вилоятини тортик килдим. Сўнгра Кобулга эътиқоди баланд, улар шайх ул-ислом йўсинида бўлиб келганлар, улар хақида хали такрор сўз юритилади) ва кўргон ичидаги беклар бу хабарни эшитиб, Умаршайх мирзонинг синашта мул озими, бир кизининг бекотаси бўлмиш Хожа Муҳаммад Дарзийни юбориб, ўша ваҳималарни бекларнинг кўнглидан қувиб, Намозгоҳга яқин етган маҳалда мени олиб кайтди. Келиб арққа тушдим. Хожа Кози ва беклар менинг кошимга келиб, сўз ва кенгашни бир ерга қўйиб, кўргоннинг бурж ва шинақларини тузатишга, тар-тибга солишга киришдилар. Маргинон ва Ўш тарафларга хужумчи кўшин қўйган Хасан Яъкуб, Косим кавчин ва яна баъзи беклар бир-икки кундан сўнг келиб, мулозамат килиб, барчаси бирдам ва хамжихат бўлиб, калъа мудофааси билан машгул бўлдилар.

Султон Ахмад мирзо Ўратепа, Хўжанд ва Маргинонни олиб, Андижондан тўрт йигоч масофадаги Кубога келиб тушди. Бу фурсатда Дарвеш Гов исмли киши Андижон арбоблари хақида беҳуда сўз айтгани учун катл этилди. Бу сиёсатдан бутун эл тинчиб қолди.

Хожа Мавлоноийи Козини ва Узун Хасан Хожа Хусайинни Султон Ахмад мирзо Оға шундай мазмунда элчиликка юборилди: бу вилоятга мул озим лардан бири қўйилади; мен ҳам мулозим, ҳам фар-зандман, агар бу хизматни менга топширсалар яхшироқ ва маъқулроқ бўларди.

Султон Ахмад мирзо камгап, фақир ва одми киши эди. Хар бир маслаҳат ва иш-харакат

бекларсиз карор топмас эди. Беклар бу сўзларга илтифот кўрсатмай, ножоиз жавоблар айтиб, илгарига кўзгалдилар. Оллох таоло, ўз комил кудрати билан хар ишимни ўз вақтида кишилар миннатисиз кўнглимдагидек юзага чиқариб келганки, бу сафар ҳам бир неча ишни сабаб килди-ю, душманлар келган-ларидан афсусландилар, балки бу уринишларидан пушаймон бўлиб, мақсадларига етолмай қайтиб кетдилар.

Шулардан бири: Кўбонинг боткоккли кора суви бор, кўпригидан бошка ўтиб бўладиган жойи йўк, кўп кишилик лашкар келиб, кўприкка тикилиб колди, кўплаб от ва туялар бу кора сувга йикилиб нобуд бўлди. Бундан уч-тўрт йил бурунрок Чир (Чирчик) сувидаги кечувда катта шикает топган эдилар, бу воқеа ўша халокатни эслатиб, лашкар вахимага тушди.

Яна бири буки, ўша пайтда отга шундай ўлат етдики, уюр-уюр отлар йикилиб ўла бошлади.

Яна бири: улар бизнинг лашкаримиз билан халқнинг бирдам ва ҳамжихат-лигини кўрдиларки, булар жон ва танларида мадор борица курашмоқка шай эканликларига ишонч хосил килдилар.

Бу сабаблар боис, Андижондан бир йигоч масофадан Дарвеш Мухаммад тархонни юбордилар, ичкаридан Хасан Яъқуб Намозгоҳ масканига чиқиб, кўришиб, сулх тузишган бўлиб, орқага қайтдилар.

Хўжанд суви(Сирдарё)нинг шимол томонидан келаётган Султон Махмудхон Ахсини камал килди. Жахонгир мирзо ўша ерда эди, беклардан Али Дарвешбек, Мирзокули кўкалдош, Мухаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикога ҳам Ахсида эдилар. Вайс Логарий, Мир Гиёс тагойи ҳам шу ерда эди. Улар беклардан хавф-сираб, Вайс Логарий вилоятга, Косонга кетдилар. Носир мирзога Вайс Логарий бекота эди. Шу сабабли Носир мирзо Косонда бўлар эди. Хон Ахси атрофларига етганда, бу беклар хон томонига ўтиб, Косонни бердилар. Мир Гиёс хон мулозаматида қолиб, Вайс Логарий Носир мирзони Султон Ахмад мирзога олиб борди. Уни Мухаммад Мазид тархонга топширди. Хон Ахси яқинига келиб, бир неча марта уруш килди, бироқ ҳеч иш чиқара олмади. Ахсидаги беклар ва йигитлар чинакам жонфидалиқ кўрсатдилар. Шу пайтда Султон Махмудхон хасталанди, урушга кирганига пушаймон еб, ўз вилоятга қайтиб кетди. Абобакр дуглат Кошгарий ҳеч қимга бош эгмай, неча йилдан бери Кошгар ва Хўтанга ҳокимлик қилиб келарди, у ҳам вилоят орзусида Ўзганд яқинига келиб, кўргон солиб, вилоятда бузгунчилик қилишга киришди. Хожа Кози ва барча бекларга Кошгарийни даф этиш ҳақида буйруқ берилди. Булар яқин етган пайтда Кошгарий бу лашкарга тенг келолмас-лигини кўрди ва Хожа Козини орага солиб, юз макр ва хийла билан кутулди.

Бундай катта воқеалар рўй берганда Умаршайх мирзодан колган беклар ва йигитлар яхши уюшиб, мардона жонфидалиқ кўрсатдилар. Ахсидан мирзонинг онаси Султонбегим, Жахонгир мирзо ва аҳли ҳарам ҳамда беклар Андижонга келдилар. Аза расми бажо келтирилиб, фуқаро ва мискинларга ош, таом тортилди. Бу муҳим ишлардан фориғ бўлгандан сўнг, лашкар ва вилоятларнинг тартиб-интизом, таъмиру ободонлигига киришила бошланди. Андижон ҳукумати ва эшик оғалигини Хасан Яъқубга беришга қарор қилинди. Ўш ҳокимлиги Косим қавчинга берилди. Ахси ва Маргинон Узун Хасанга ва Али Дуст тагойига тайин бўлди. Умаршайх мирзонинг бошка беклари ва йигитларининг хар қайсисига мартабаларига яраша вилоят ва ер, амал ва мансаб, тирикчилик учун маош тайин қилинди.

Султон Ахмад мирзо қайтгандан сўнг, икки-уч манзил юргач, ахволи кескин ўзгариб,

каттик иситмага чалинди. Ўратепа туманида Оксуга етганда шаввол ойининг ўрталарида, саккиз юзу тўксон тўккизинчи йили (1494) кирк тўрт ёшида ўтар дунё билан видолашди.

Таваллуди ва насаби. Таваллуди саккиз юз эллик бешинчи(1451) йили, Султон Абусаид мирзо тахтни эгаллаган йили эди. У Султон Абусаид мирзонинг ўгилларидан энг каттаси эди. Онаси Ўрда Бўга тархоннинг кизи, Дарвеш Мухаммад тархоннинг эгачиси, мирзонинг эътиборли хотини эди.

Шакл-шамойили: баланд бўйли, кўнгир соқолли, кизил юзли, норгил киши эди. Соқоли энгагига тушарди. Икки ёногида соқоли йўк эди. Жуда ширинсўз киши эди. Саллани ўша замон одатига кўра, тўртўрама чирмаб, учини олдинрокка, кошининг устига ташлаб кўярди.

Феъл-атвори: ханафий мазхабида, покиза эътикодли киши эди; беш вақт намозни қанда қилмасди. Ичкилик пайтларида ҳам намози тарқ бўлмасди. Хазрати Хожа Убайдуллоҳга мурид эди. Хазрати Хожа унга мураббий ва хомий эди. Жуда одобли эди. Хусусан, Хожа суҳбатида. Айтишларича, харгиз Хожа мажлисида бир тиззасини иккинчи тиззасига чалиштириб ўтирган эмасди. Бир сафар хазрати Хожа суҳбатида, одатига хилоф тарзда, оёқларини узатиб ўтирибди. Мирзо ўрнидан тургандан сўнг, хазрат Хожа мирзо ўтирган ерни қараб кўришни буюрибди: бир суяк бор экан.

Ҳеч нима ўқиган эмас, оми эди. Шаҳарда улгайган бўлишига қарамай, тўгрисўз(турк) ва содда эди. Истеъдоддан бебахра эди. Одил киши эди. Хазрати Хожанинг ҳам ҳурматлари орада эди. Аксар муҳим ишлар шариатга мувофиқ ҳал қилинарди. Аҳд ва сўзига барқарор киши эди. Харгиз ундан аҳдга хилоф иш юз бермади.

Шижоати бор эди. Ўзининг қўлидан иш келган ҳеч бир ҳолат бўлмаган эса-да, айтишларича, баъзи жанг маъракаларида унда шижоат асари кўринган экан. Ўқни жуда яхши отар эди. Илвасинга патли ва патсиз ўқлари кўп ҳолларда тегарди. Нишон учун қўйилган қовокни майдоннинг у боши, бу бошидан келиб ҳам аксар ҳолларда урар эди. Умрининг охирида семириб қолганда ҳам қирговул ва беданани ингичка ўқ билан отиб, камдан-кам хато қиларди. Қушчи киши эди, қуш билан қуш овлар, яхши овларди. Улугбек мирзодан сўнг унингчалик қушчи подшоҳ бўлмаган.

Жуда ҳаёли эди. Дейдиларки, хилватларда маҳрам ва ичкиларидан ҳам оёқларини бекитар экан. Гоҳида ичкиликка берилса, йигирма-ўттиз кун муттасил ичар эди. Гоҳида ичмай қўйса, йигирма-ўттиз кунлаб ичмасди. Базмда бир ўтирганда бир кеча-кундуз ўтирар, яхши ичарди. Май ичмаган кунлари басит (баданни қиздирувчи модда)ни жуда кўп истеъмол қиларди. Табиатида ҳасислик устунлик қилар, камсўз ва одми киши, ихтиёри беклар қўлида эди.

Жанглари. Тўрт марта саф тортиб уруш қилди. Аввал Шайх Жамол аргуннинг иниси Неъмат аргун билан Зомин туманининг Оқар яланглигида урушиб, голиб бўлди. Яна бир

марта Умаршайх мирзо билан Хавосда ҳам урушиб, голиб бўлди. Яна бир марта Тошканд атрофида, Чирчик сувининг бўйида Султон Махмудхон билан тўкнашдилар. Бунда саф тортиб жанг килинмаганди. Мўгулларнинг хужумчи кисми лашкарнинг оркасидан келиб, харбий юклар ортилган араваларга ташланиши биланок шунча катта лашкар уруш-талашсиз бир-бирларига карамай, бузилиб таркалиб кетди. Лашкарнинг купи Чирчик сувига гарк бўлди. Яна бир маротаба Хайдар кўкалдош билан Ёрйлок атрофларида жанг килиб, енгди.

Вилоятлари Самарканд ва Бухоро эдики, уларни отаси берганди. Шайх Жамолни Абдулқуддус ўлдирганидан сўнг Султон Ахмад мирзо Тошкандни, Шохрухия ва Сайрамни олган эди, бу жойлар бир канча вақт унинг кўл остида бўлди. Сўнгра Тошканд билан Сайрамни укаси Умаршайх мирзога берди. Хўжанд ва Ўратепа ҳам анча вақт Султон Ахмад мирзо тасарруфида эди.

Авлоди. Икки ўгли бор эди, кичиклигида нобуд бўлдилар. Беш кизи бор эди, тўрттаси Кутукбегимдан эди.

Хаммасидан каттаси Робиа Султонбегим эди, уни Коракўзбегим дейишарди. Уни ўзи хаётлигида Султон Махмудхонга чиқарган эди. Хондан Бобохон исмли бир ўгил тугилган эди, хийла макбулгина ўглон эди. Ўзбаклар(шайбонийлар) хонни Хўжандда шахид этганда, уни ва яна унингдек бир неча норасидани ҳам нобуд қилдилар. Султон Махмудхон фожиасидан сўнг Робиа Султонбегимни Жонибек Султон олди.

Иккинчи кизи Солиха Султонбегим эди, уни Окбегим дер эдилар. Султон Ахмад мирзо вафотидан кейин Султон Махмуд мирзо тўйлар килиб, катта ўгли Султон Масъуд мирзога олиб берди. Сўнгра у Шохбегим, Мехр Нигорхоним билан Кошгарга тушди. Учинчи кизи Ойиша Султонбегим эди. Беш ёшимда Самаркандга келганда менга бешиккертти килишган эди. Сўнгра саргардонлик пайтларимда Хўжандга келди, ўшанда уйландим. Самаркандни иккинчи марта олганимда биргина кизи бўлган эди, бир неча кундан сўнг Тангри раҳматига борди. Тошкандни шайбонийларнинг босиб олишларидан бурунрок эгачисининг хусумати, билан мендан чикди.

Тўртинчи кизи Султонбегим эди, уни Султон Али мирзо олганди; ундан сўнг Темур Султон, ундан сўнгра эса Махдий Султон олди.

Хаммасидан кичик кизи Маъсума Султонбегим эди. Онаси аргунлардан, Султон аргуннинг жияни Хабиба Султонбегим эди. Мен Хуросонга борганда кўриб, хушлаб, сўраб, Кобулга келтириб олдим. Бир кизли бўлди. Ўша фурсатдаёқ „зоча“ хасталиги билан вафот этди. Кизига онасининг исми кўйилди.

Хотин ва канизаклари. Аввалгиси Султон Абусаид мирзо олиб берган Мехр Нигорхоним эди. Юнусхоннинг катта кизи, менинг онамнинг тугишган эгачиси эди. Яна бири тархонлардан эди, уни Тархонбегим дер эдилар. Яна бири Кутукбегим, ўша Тархонбегимнинг кўкалдоши эди. Султон Ахмад мирзо ошик бўлиб олган, жуда суюкли ва хўп эрка-тантик эди. Май ичарди. Унинг тириклигида Султон Ахмад мирзо бошқа аёлларига бормас эди. Охири ўлдирди ва бадномлигидан халос бўлди. Яна бири —

Хонзодабегим Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самаркандга беш ёшимда Султон Ахмад мирзо қошига келган пайтда олган эди. Хануз юз ёпуги бор эди. Туркона расм билан менга буюрдилар, мен юзини очдим.

Яна бири Ахмад Хожибекнинг Латифбегим исмли киз набираси эди, мирзодан кейин уни Хамза Султон олган, Хамза Султондан уч ўгли бўлган эди. Мен Хамза Султон ва Темур Султон бошлик султонларни енгиб, Хисорни олганимда, бу султонзодалар ва яна бир неча султонзодалар асир тушганди, хаммасини озод килдим.

Яна бири Хабиба Султонбегим эди. У Султон аргуннинг жияни эди.

Амирлари: Жонибек дўлдой. У Султон Малик Кошгарийнинг иниси эди. Султон Абусаид мирзо уни Самарканд хокими, Султон Ахмад мирзони эса эшикога килиб, ўз эшиги ихтиёрини берган эди. Гаройиб феъл-атворли киши бўлган экан. У ҳақда кизик воқеаларни ривоят киладилар. Жумладан, ривоятлардан бирида айтилишича, у Самарканд хокими бўлган пайтлари шайбонийлардан элчи келади. Бу элчи ўзбак улусида полвон сифатида машхур экан. Ўзбаклар зўр кишини бука дер эмиш. Шунда Жонибек: „Бўкамусен? Бука бўлсанг, кел, курашайлик“ деган экан. Бу элчи ҳар канча узр сўраса-да, кўймай кураш тушадилар. Жонибек йикитади. Мардона киши эди. Яна бири Султон Малик Кошгарийнинг ўгли Ахмад Хожибек эди. Хирот ҳукумати Султон Абусаид мирзо бир канча вақт унга берган эди. Амакиси Жонибек ўлгандан сўнг, унинг мартабасини бериб, Самаркандга юборди. Ахмад Хожибек хуштабъ ва мардона киши эди. „Вафой“ таҳаллуси бор эди. Девон тартиб берган, шеъри ёмон эмас эди, бу байт уникидир:

Мастам, эй мухтасиб, имрўз зи май даст бидор,
Эхтисобам бикун, он рўз ки ёби хушёр.

(Таржимаси:

Килма безовта мени, эй мухтасиб, мастман бугун,
Истаганча кил сурок топган кунинг хушёр мени.)

Мир Алишер Навоий Хиротдан Самаркандга келган пайтлари Ахмад Хожибек билан бирга бўлар эди. Султон Хусайн мирзо подшоҳ бўлгандан сўнг Хиротга келди. Жуда улуг эътибор топди. Ахмад Хожибек чопкир отлар саклаб, яхши минар эди. Бу отларнинг аксари зотдор эди. Мардона киши эди, сардорлиги мардоналигидек эмас, бепарво киши эди. Муҳим ишларини навқару савдарлари тартибга келтириб юрарди. Бойсункур мирзо Султон Али мирзо билан Бухорода урушиб маглуб бўлганида кўлга тушди. Дарвеш Мухаммад тархонни ўлдирди, деган тухмат билан хурматсизларча катл этдилар. Яна бири Дарвеш Мухаммад тархон эди. У Ўрда Бўга тархоннинг ўгли, Султон Ахмад мирзо, Султон Махмуд мирзонинг тугишган тоғаси эди. Султон Ахмад мирзо қошидаги барча беклардан улугрок ва мўътабарроги шу эди. Мусулмон, одми ва дарвешсифат киши эди. Хамиша Куръон кўчириб ўтирарди. Шохмотни кўп ва яхши ўйнарди. Куш

илмини яхши биларди, куш билан кўп ов киларди. Охири Бойсункур мирзо билан Султон Али мирзонинг гавгоси (Бухоро жанги)да улуглик замонида ёмонотлик билан ўлди. Яна бири Абдулали тархон эди. У Дарвеш Мухаммад тархонга якин кариндош эди. Синглиси(Боки тархоннинг онаси) хам шунда бирга эди. Дарвеш Мухаммад тархон амал ва вазифада ундан улуг бўлса-да, бу фиръавннусха уни кўзга илмасди. Бухоро ҳукумати бир неча йил унинг кўлида эди, навқари уч мингга етган; навқарни яхши шафкат кўрсатиб сакларди. Саховати, муомаласи ва маҳкама юритиши, тартиб-тутумлари ва базми подшоҳларга хос эди. Каттик-кўл ва золим, фосик ва димоғдор киши эди. Шайбонийхон, гарчи навқари бўлмаса-да, кўп вақт у билан бирга бўларди. Кичик-кирим султонларнинг аксарияти унга навқар бўлгандилар. Шайбонийхоннинг бунчалик кучайиб кетмоғига ва бунчалик қадим хонадонларнинг бузилмоғига Абдулали тархон сабабчи бўлди.

Яна бири Саййид Юсуф ўғлокчи эди. Унинг катта отаси мўғулдан келган экан. Отасини Улугбек мирзо кадрлаган эди. Саййид Юсуф укувли ва тадбирли киши эди. Мардоналиги хам бор; кўбизни яхши чаларди.

Мен Кобулга келган дастлабки пайтлари ёнимда эди, катта эътибор кўрсатгандим, эътиборга арзигулик фазилатлари хам бор эди. Аввалги йили Хиндустонга кўшин тортганимда Саййид Юсуфбекни Кобулга хокимият тепасига кўйгандим. Ўша фурсатда оламдан ўтди.

Яна бири Дарвешбек. Темурбек кадрлаган Эгу Темурбекнинг наслидан эди. Хазрати Хожа Убайдуллоҳга ихлоси бор эди. Мусика илмидан хабардор, соз чалар, шеърий қобилияти бор эди. Султон Аҳмад мирзо Чирчик суви бўйида шикаст топганда, Чирчик сувига гарк бўлди.

Яна бири Мухаммад Мазид тархон Дарвеш Мухаммад тархоннинг туғишган иниси эди. Бир неча йил Туркистон хокими бўлди. Шайбонийхон Туркистонни ундан олди. Укувли ва тадбирли киши эди. Раҳмсиз ва ахлоксиз эди. Самарқандни иккинчи ва учинчи марта олганимда менинг хузурига келганди. Мен хам яхши эътибор кўрсатгандим. Кўли Малик урушида ўлди.

Яна бири Боки тархон эди. У Абдулали тархоннинг ўғли ва Султон Аҳмад мирзонинг амакиваччаси эди. Отасидан сўнг Бухоро ҳукуматини унга бергандилар. Султон Али мирзо замонида жуда кучайган, навқари беш-олти мингга етган эди. Султон Али мирзога унчалик муте ва итоаткор эмасди. Шайбонийхон билан Дабусия қалъасида урушиб, енгилди. Ўша галабадан кейин Шайбонийхон Бухорони олди. Кушни кўп яхши кўрарди. Айтишларича, унинг етти юзта куши бор экан. Феъл-атворида айтишга арзигулик фазилати йўқ эди. Мирзоликда ва давлатмандликда улгайганди. Отаси Шайбонийхонга яхшиликлар қилгани боис Шайбонийхон қошига борди. У ҳақтанмас, муруватсиз кўрган яхшиликлари эвазига Боки тархонни ҳеч кадрламади ва унга шафкат қилмади. У хор-зорликда Аҳси вилоятида оламдан ўтди.

Яна бири Султон Хусайн аргун эди. Бир қанча вақт Қорақўл ҳукумати кўлида бўлгани учун Султон Хусайн Қорақўлий номи билан машҳур эди. Укувли ва тадбирли киши эди. Менинг қошимда хам кўп бўлар эди.

Яна бири Қулмуҳаммад Бугдо қавчин эди. Мардоналиги хам бор экан.

Яна бири Абдулқарим Ашрит уйғур эди. Султон Аҳмад мирзо қошида эшикога эди. Сахий ва мардона киши эди.

Султон Аҳмад мирзо вафотидан сўнг беклар ўзаро қелишиб, тоғ йўли орқали Султон Маҳмуд мирзога чопар юбориб, ёрдам сўрадилар. Султон Абусаид мирзонинг оғаси

Минучехр мирзонинг ўгли Малик Мухаммад мирзо салтанат орзусида бир неча дайди ва бебошларни ўзига кўшиб, лашкардан айрилди. Бирок, Самаркандга келиб ҳам ҳеч иш кила олмади. Ўзининг ва яна бир неча бегуноҳ подшоҳзодаларнинг ўлимига сабабчи бўлди, холос.

Бу хабар Султон Махмуд мирзога етгани захотиёк, у дархол Самаркандга келиб, захмат ва машаккатсиз тахтга ўтирди. Султон Махмуд мирзонинг бир неча ёмон ишларидан азиз ва шарафли сипоҳи ҳамда аҳоли нафратланиб қочиш йўлини тутди.

Аввали шуки, зикр этилган Малик Мухаммад мирзо Султон Махмуд мирзо амакисининг ўгли ва ўзининг куёви эди; яна тўрт мирзони Қўрсаройга чиқариб, иккисини кўйиб юбориб, Малик Мухаммад мирзони ва яна бир мирзони шахид қилди. Буларнинг баъзисига аслида подшолик тегмас ҳам эди. Уларнинг бундай орзулари йўқ эди. Гарчи Малик Мухаммад мирзода бироз гуноҳ бўлса-да, бошқаларининг ҳеч гуноҳи йўқ эди. Султон Махмуд мирзо каттиққўл ва тартибли, девонпараст, махқамада кўп ўтирадиган киши эди. Хисоб илмини бил ар, бирок табъи зулм ва бузукликка мойил эди.

Самаркандга киргач, ўзгача тартиб ва тутум ўрнатди, янги солиқлар чиқара бошлади.

Бурун хазрати Хожа Ўбайдуллоҳга тегишли кишилар, пир химоysi боис, кўп фақир-мискинлар хирож ва солиқлардан халос бўлардилар, Султон Махмуд мирзо одамлари шуларга ҳам иззат-икром кўрсатиш нари турсин, зулм ва зўрлик кўрсата бошладилар. Бундай тазйиқлар Хожанинг авлодига нисбатан ҳам қўлланилди.

Бундан ташқари, ўзи қандай золим ва ахлоқсиз бўлса, беку кичик беклар ва навқару хизматчиларининг барчаси ҳам шундай золим эдил арки, Хисор эли, хусусан, Хисравшоҳга тааллуқли эл ҳамиша ичкилик ва бузукчилик билан машғул бўлди. Бу шу даражага етдики, Хисрав-шоҳнинг навқарларидан бири бир киши-нинг хотинини тортиб олади. Хотиннинг эри Хисравшоҳга арз қилганда, у жавоб бериб: „Бир неча йил сен билан бўлган эди, энди бир неча кун унинг билан бўлсин“, дейди.

Яна шуки, шаҳар ва бозор эли, турк ва сипоҳининг ўсмир ўғлонлари шох бачча қилади, деган кўрқувда уйдан чикмасдилар.

Самарканд аҳли йигирма-йигирма беш йил Султон Ахмад мирзо замонида осойишта ва фарогат билан кун кечирган эди; аксар муҳим ишлар хазрати Хожа туфайли адолат ва шариат йўли билан амалга ошарди. Бундай зулм ва бузук-чиликдан халқнинг жону диллари озор чекиб, ранжидилар. Азиз ва шариф, фақир ва бечоралар нафрату қарғишга оғиз очиб, қўл қўтардилар.

Хазар кун зи дарди дарунҳои реш,
Ки реши даруй оқибат сар қанад.
Бахам бармакун то тавони диле,
Ки охе жаҳоне бахам бар қанад.

(Таржимаси:

Дилни яралама, охидан чўчи,
Бу яра бирор кун сиртга тепади.
Бирорта кўнгилга бермагил озор,
Жаҳонни ўрташга бир ох етади.)

(Гафур Гулом таржимаси.)

Хуллас, зулм ва бузукчилик касофатидан Султон Махмуд мирзо Самаркандда беш-олти ойдан ортик хукмронлик кила олмади.